- Соответствует мировым стандартам качества
- Сохраняет узнаваемую этническую идентичность
- Предлагает новаторские решения в области звукового нарратива

Перспективные направления развития:

- Создание национальной базы звуковых эффектов (узбекская звуковая библиотека)
- Разработка специализированного ПО для работы с традиционной музыкой
- Международные резиденции для звукорежиссеров
- Исследования в области психоакустики узбекской музыки.

Особую ценность представляет формирование «звукового архива» узбекского кино - масштабного проекта по цифровизации и реставрации звуковых дорожек классических фильмов. Эта работа позволит сохранить для будущих поколений эволюцию профессионального мастерства. В контексте глобализации кинематографа узбекская звукорежиссура демонстрирует редкий пример органичного сочетания:

✓ Технологической модернизации

✓ Профессионального роста кадров

✓ Сохранения аутентичной звуковой культуры. Этот триединый принцип может стать моделью для других национальных кинематографий, ищущих баланс между современными требованиями и культурной идентичностью. Будущее узбекской звукорежиссуры видится в развитии этого синтеза, где каждая новая технология будет не заменять, а обогащать традиционные звуковые ландшафты.

Литература

1. Каримов А. «Звук в узбекском кино: от прошлого к будущему». — Т.: 2021.
2. Rakhimdjanov O. R. The Role And Importance of Using the Experience of Foreign Modern Cinematographers in the Development of Uzbek Cinematography //JournalNX. – 2022. – Т. 8. – №. 6.
3. Абул-Касымова Х. Кино и художественная культура Узбекистана. – Изд-во «Фан» 1991.
4. Mirsaidova D. I. et al. Voices of tradition: how dubbing shaped the success of uzbek cinema in the soviet era //Oriental Art and Culture. – 2024. – Т. 5. – №. 6. – С. 339-342.
5. Agzamov D. Texnika va san'at uyg 'unligida ovoz rejissorligining ahamiyati //Eurasian Journal of Academic Research. – 2023. – Т. 3. – С. 109-112.

РЕЗЮМЕ. Мақола ўзбек киносида товуш режиссёрлигининг эволюциясига бағишланган. Муаллиф касбнинг ривожланиш босқичларини - аналог технологиялардан тортиб замонавий рақамли ечимларгача—таҳлил қилади. Айниқса, технологик тараққиётнинг Ўзбекистон фильмларида товушнинг бадиий ифодасига таъсири алоҳида эътиборга олинади.

РЕЗЮМЕ. Статья посвящена эволюции звукорежиссуры в узбекском кинематографе. Автор анализирует ключевые этапы развития профессии - от аналоговых технологий советского периода до современных цифровых решений. Особое внимание уделяется влиянию технического прогресса на художественную выразительность звука в фильмах Узбекистана.

SUMMARY. The article explores the evolution of sound engineering in Uzbek cinema. The author examines key stages in the profession's development-from analog technologies of the Soviet era to modern digital solutions. Special attention is given to the impact of technological progress on the artistic expressiveness of sound in Uzbek films.

ЧИН ЭЛИНИ ДУНЁГА ТАНИТГАН ГЎЗАЛНИНГ САҲНАДА ЖОНЛАНИШИ

Дарушова Дариха Кадирниязовна – *ўқитувчи*
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали

Таянч сўзлар: театр, драматург, актёр, режиссёр, спектакль, ижодкор, репертуар, декорация.
Ключевые слова: драматург, театр, актёр, режиссёр, спектакль, создатель, репертур, декорация.
Key words: theater, playwright, actor, director, play, creator, repertoire, decoration.

Буюк мутафаккир, давлат арбоби, сўз мулкининг султони ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг бой маънавий мероси асрлар ўтса ҳам бутун адабиёт олами вакилларини ҳайратга солиб келган. У яратган асарлар қалбларга инсонпарварлик, одоб-аҳлоқ, меҳр-мурувват, эзгулик уруғини сочиб, ёмонлик ва адоласизликга қарши курашишга даъват

қилади. Шуни алоҳида қайд этиш ўринли, ҳазрати Навоий мероси мавзу ва мазмуни жиҳатдан замон ва макон танламайди. Мавзулар исталган давр талабига жавоб беради ва долзарблигини йўқотмайди.

Келажак аҳлига мана шундай меросни тақдим этган мутаффакирларимиз хотирасини ёд этиш, ижодини кенг тарғиб қилиш биз авлодлар бурчидир.

Мамлакатимизда бу борада қилинаётган маънавий-маърифий ишлар ва унинг натижаси бу бурчимизнинг амалдаги бир мисолидир. 2021 йил 17-23 декабр кунлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан Тошкент шаҳрида Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан “Навоий сиймоси ва асарлари саҳнада” Республика театрлари кўрик-фестивали ташкиллаштирилди. Фестивалда юртимизда фаолият юритаётган катта театрлар билан бирга Давлат қўғирчоқ театрлари ҳам Навоий асарларининг турли жанрдаги саҳнавий талқинлари билан иштирок этди. “Чин юртини дунёга танитган гўзал ҳақида сўз”. Спектаклнинг нега айнан шундай номланишига эътибор қаратдик. Спектаклни томоша қилганимиздан сўнг, Навоий ижодининг энг сара асар намуналаридан бири бўлмиш “Ҳамса”нинг ўчинчи достони “Фарҳод ва Ширин”даги мотивлар асосида инсценировка ишланганига гувоҳ бўлдик. Спектакльдаги айрим сюжетларгина достондагига ўхшаш, лекин айнан ўзи эмас. Достонда Фарҳод Чин ҳоқонининг узоқ кутган фарзанди бўлиб, у илмда тенгсизлиги, бой-бадавлат бўлишига қарамай, ҳунар ўргатувчи усталарга шогирд тушиши, илм йўлида Суҳробни излаб топиши, сеҳрли кўзгуда Ширинни кўриб, унга ошиқ бўлиши баён этилган. Илк кўринишда актёр С.Темирханов Навоиий образида гавдаланиб, у томонидан ошиқлик ғазали ижро этилади. Демак, биз томоша қилмоқчи бўлган воқеалик тафсилотлари ушбу образ томонидан тўлиқтирилиб борилишини англатади. Саҳна ўртасидаги ширмада Навоий ижод қилган даврдаги архитектура намунаси тасвирланган. Бир пайт саҳнада майин мусиқа остида Чин элининг ҳурлиҳоси пайдо бўлади. Қўғирчоқнинг юз тузилиши, соч турмаги, либоси ва ҳатти-ҳаракатидан унинг чин эли вакиласи эканлигига амин бўлдик. У боғдаги гулларнинг гўзаллигидан баҳро олиб, секин, оҳисталик билан рақсга туша бошлайди. Бир пайт қиз ёнида чин элининг бир йигити пайдо бўлиб, гўзалга ошиқ бўлиб қолганини Навоиий ғазаллари ила баён этади.

Иккинчи саҳна кўринишида чин гўзалини ўғирлаган юрт шоҳи боғда гўзал билан тўқнаш келади. Подшоҳ унинг жамолига ошиқ бўлиб, у гўзалга ўзидан бошқаси боқмасликни, гар боқса боши танасидан жудо қилиниши ҳақида фармон беради. Томошабин подшоҳнинг либоси ва бошидаги салласидан унинг қай юртнинг шоҳи эканлигини аниқ билмаса ҳам, албатта унинг чин элига таалуқли эмаслигини фаҳмлаши қийин эмас.

Дастлабки кўринишда гўзалга ошиқ бўлган чин ўлкаси йигитининг ишқ йўлидаги оҳу-нолалари, унинг қизни излаб йўлга тушиши ва учинчи кўринишдаги қиз ўғирланган шаҳарга етиб келишидан бу йигитни бош қаҳрамон деб ўйладик. Лекин унинг дарҳол қўлга тушиб, подшоҳ томонидан қатл эттирилиши илк таасуротимизнинг янглиш эканлигини билдирди.

Сарой бош вазирининг гўзалликга ошуфталиги ўз бошига бало бўлди. Чин гўзалининг юзига беҳостан қараган вазирнинг бу қилиғидан жаҳли чиққан подшоҳ ўз фармонига бўйсунмагани учун вазирни ҳам қатл қилишни буюради. Шоҳнинг бу тариқа инсонларга зулм кўрсатаётгнига чидамаган қиз шоҳга бу ишларининг бефойдалиги, у ўзининг тушида кўрган йигитни севишини айтади ва оқибатда қиз минорага қамал қилинади.

Бу саҳна кўринишида ишланган минора ва сарой декорацияси ўрта асрларда юртимизда қад кўтарган архитектуравий қурилишни акс эттиради. Саҳнадаги минора ёнида пайдо бўлган йигит «Мана, Чин юртига етиб келдим», -дея гап бошлайди. Саҳнада пайдо бўлган декорация билан ошиқ йигитнинг гапини қандай тушинсак бўлади. Ўзи спектакль бошидаёқ қизнинг чин элидан ўғирланиб кетилгани аниқ бўлганди. Бу сўз балки актёр томонидан шунчаки айтилиб кетиши ва томошабин ҳам бунга парво қилмаслиги мумкиндир. Лекин беш бармоқ баробар бўлмаганидек, ҳар бир ҳолатга, ҳар бир сўзга аҳамият қаратадиган зийрак томошабинлар ҳам бўлиши мумкинку. Арасту машҳур “Поэтика” асарида фабула ва унинг муҳимлиги ҳақида “...Трагедияда энг муҳими – воқеалар оқимидир. Трагедиянинг асосий мақсадини фабула, воқеа ташкил этади, мақсад эса ҳаммасидан муҳимдир. Трагедия воқеасиз яшай олмайди, характерларсиз эса яшай олиши мумкин”, деса, трагедиянинг тасвирлаш унсурлари ҳақида “Тасвирлаш ҳаракат орқали ифодалангани учун зарурийлик нуқтаи-назаридан трагедиянинг биринчи унсури манзара, кўриниш орасталиги бўлади, иккинчи

унсур мусиқа қисми, учунчи унсур эса тилдир. Фақат мана шу воситалар орқалигина акс эттириш содир бўлади", - дея фикр билдиради. [1.28] Таҳлил қилаётган спектаклимизда Навоий ғазаллари қорақалпоқ тилида ижро этилади. Ғазаллар таржимаси эшитиш ва тушунишга қулай. Энг асосийси Навоий ижодининг саҳнада жонланиши, айниқса кўғирчоқ театрида саҳналаштирилиши томошабинларнинг буюк шоир ижоди билан яқиндан танишишга кўмак беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арасту. Поэтика. – Т: Янги аср авлоди, 2012-й.
2. Тожибоева О. "Фарҳод ва Ширин" достонининг халқ варианти. Шарқ машъали журнали. 2012-й, 1-сон.
3. Қосимов Б. Ўрта мактабларда Навоий ижодини ўрганишнинг айрим масалалари. "Ижод олами" журнали. 2020-й. 1-сон.
4. Ашурова М. Қўғирчоқ театри санъатининг актёрлик мактаби. –Тошкент: Наврўз. – 2020.

РЕЗЮМЕ. Бу мақолада Қорақалпоқ давлат Қўғирчоқ театрида Алишер Навоий асари асосида саҳналаштирилган "Чин юртини дунёга танитган гўзал хақида сўз" спектаклининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўз бўлади.

РЕЗЮМЕ. В этой статье рассказывается о достижениях и недостатках спектакля «Слово о красавице, прославившей Китай на весь мир» поставленного в Каракалпакском государственном театре кукол по произведению Алишера Навои.

SUMMARY. This article discusses the achievements and shortcomings of the play «The Tale of a Beauty Who Made China Glorious to the World» staged at the Karakalpak State Puppet Theater based on Alisher Navoi's work.

ZAMONAVIY O'ZBEK BADIIY KINOSIDA OPERATORLIK USLUBLARINING RIVOJLANISHI (SUBYEKTIV KAMERA)

Dostonov Otajon O'ktam o'g'li – *o'qituvchi, s.f.f.d (PhD)*
O'zDSMI, "Ovoz rejissyorligi va operatorlik mahorati" kafedrasi

Tayanch so'zlar: kinooperatorlik, texnologik taraqqiyot, raqamli texnologiyalar, tasvir estetikasi, ifoda vositalari, an'anaviy va zamonaviy yondashuv.

Ключевые слова: кинооператорское искусство, технологический прогресс, цифровые технологии, эстетика изображения, выразительные средства, традиционный и современный подход.

Key words: cinematography, technological progress, digital technologies, image a esthetics, expressive tools, traditional and modern approach.

KIRISH

O'zbek badiiy kinosida operatorlik uslublarining rivojlanishi tasviriy ifoda vositalari orqali kino estetikasi va dramaturgiyasiga ta'sir ko'rsatgan muhim jarayonlardan biridir. Xususan, subyektiv kamera uslubining qo'llanilishi voqea tasvirini qahramon nigohi bilan bog'lash, tomoshabinni bevosita syujet ichiga jalb etish va visual obrazlar tizimini boyitishda katta ahamiyat kasb etadi. Ushbu maqolada I.Lutfullayev operatorlik faoliyati misolida subyektiv kameraning dramaturgik vazifasi, ekspressiv imkoniyatlari hamda san'atshunoslik nuqtayi nazaridan kino tasvirda tutgan o'rni tahlil qilinadi.

USULLAR

Mazkur ilmiy maqola mavzusini yoritishda tavsifiy, tasnifiy, tarixiy-qiyosiy, kontekstual va kompleks yondashuv tahlil usullari qo'llanildi. Tadqiqot kino kadrni yoritish muammolarini nazariy va tarixiy-badiiy tushunishga qaratilgan zamonaviy san'atshunoslik usullari asosida ko'rib chiqilgan.

NATIJALAR VA MUNOZARA

2000-yillar o'rtalariga kelib, yosh operatorlar ijodida texnik imkoniyatlarni yangi badiiy jarayonlarni yaratish vositasi sifatida qo'llash harakatlari kuchaydi. Bu davrda subektiv kamera sifatida 160 gradusda ko'rish obektivli GoPro kamerasidan foydalanilar edi. Operator I.Lutfullayev "Ma'suma" (2016-yil.) badiiy filmida Arri kamerasida subektiv kamera usulini hosil qildi. Bu esa GoPro kamerasidagi rang buzilishi, avtostandart sozlamalaridagi bir qator noqulayliklarga nuqta qo'ydi. Rejissyor Y.To'ychiyevning ushbu filmi Nasiba ismli